

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИ НОРАСМИЙ МЕҲНАТДА БАНДЛИГИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Бобур Норматов Муйдинжонович

“PROMAX EDUCATION” нодавлат таълим муассасаси раҳбари

Аннотация: *Меҳнат ресурсларини норасмий меҳнатда бандлигини бартараф этиши энг муҳим макроиқтисодий вазифалардан бири ҳисобланади. Шу сабабдан ушбу илмий мақоламизда меҳнат ресурсларини норасмий меҳнатда бандлигини бартараф этиши ва ундан фойдаланиши самарадорлигини ошириши масалалари ёритилган.*

Калит сўзлар: *меҳнат ресурслари, бандлик, норасмий бандлик, расмий бандлик, самарадорлик, меҳнат ресурслари баланси.*

Халқаро меҳнат ташкилотининг тавсиясига кўра, мамлакатда норасмий бандлик улуши 15 фоиздан ошмаслиги лозим. Маълумотларга кўра, бугунги кунда юртимизда норасмий секторда банд бўлганлар сони 5,7 миллион кишини ташкил қилмоқда ва бу жами банд бўлганларнинг 41,3 фоизига тенг демакдир.

Кўриниб турибдики, ҳукумат томонидан солиқ тўлашни рағбатлантириш тизимлари жорий этилишига қарамай, норасмий бандлик кўрсаткичи катталигича қолмоқда. Бунинг бевосита ва билвосита сабаблари бор, албатта. Давлатимиз раҳбари 2022 йил 30 августдаги “Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори айтиши шу масаланинг бугунги ҳолати ва вужудга келган кўплаб муаммоларни бартараф этиш баробарида расмий бандликни рағбатлантиришда муҳим ўрин тутди.

Ўзини ўзи банд қилиш - давлат томонидан қўллаб-қувватланаётган, ортиқча расмиятчилик ва қоғозбозлик талаб этилмайдиган фаолият тури. Айтиши мумкин 2 миллион юртдошимиз ўзини ўзи банд қилиб, 70 та фаолият тури билан шуғулланиб келмоқда. Юқоридаги қарор билан маҳаллаларда ишсизликни камайтириш ва норасмий бандлик улушини қисқартириш бўйича янги тартиб ўрнатилди. Унга кўра, ўзини ўзи банд қилган шахслар шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари яна 10 тага кўпайтирилди.

Уй ҳайвонлари (қорамол, қўй, эчки, от ва бошқалар), автомобиль бозорларида воситачилик хизмати, риэлторлик хизматини кўрсатиш (ижарага уй топиб бериш, уй сотиб олиш ва сотишга кўмаклашиш), уйда сут ва сут маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотиш, маиший буюмларни ижарага бериш (стол-стул, идиш-товок, асбоб-ускуна ва бошқалар), гипс ва ганчдан буюмлар ясаш (уй жиҳозлари, эртақ қаҳрамонлари ҳайкаллари ясаш), тош ва тош маҳсулотларидан ёдгорлик, сувенир ва декоратив буюмлар тайёрлаш, ёғоч маҳсулотларидан сават, нон маҳсулотлари учун маҳсус идиш ва бошқа буюмларни тўқиш, уй шароитида пилла етиштириш, шахсий томорқа ер участкасида тут меваси, ниҳоли ва кўчатини парваришлаш, уйда ипак мато, ипак гилам тўқиш ва сотиш, кулолчилик шулар жумласидан.

Қарорға кўра, 2023 йил 1 январдан якка тартибдаги тадбиркорлар (ЯТТ) томонидан ёлланган ходимлар учун ижтимоий солиқ суммаси йилига БҲМнинг бир баравари (300 минг сўм) этиб белгиланди. Ҳозирда бу миқдор ойига БҲМнинг 50 фоизи (150 минг сўм), йилига эса 1 миллион 800 минг сўмни ташкил этади.

Шунингдек, янги тартибга асосан, ўзининг шахсий томорқасида чорвачилик (қорамол, қўй, эчки, от ва бошқалар), иссиқхона, паррандачилик (бедана, курка, ғоз, ўрдак), қуёнчилик, асаларичилик, балиқчилик, боғдорчилик, лимончилик, гулчилик фаолият турлари билан шуғулланаётган фуқаролар томонидан йилига БҲМнинг камида 1 баравари миқдорида ижтимоий солиқ тўланган тақдирда, улар расмий банд бўлган аҳоли тоифасига киритилади ва ушбу давр уларнинг меҳнат стажига қўшилади.

Қарорға кўра, 2022 йил 1 ноябрдан томорқа ер эгаларини кооперация ва касаначилик асосида иш билан банд қилган тадбиркорларга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси ҳисобидан парранда, асалари, қуён, балиқ ҳамда уларга озуқа еми, катак, уя ва ҳовузлар, шунингдек, узум кўчати ва ток сўриси харид қилиш учун субсидия ажратилади. Бунда субсидия 1 нафар томорқа ер эгаси учун БҲМнинг 20 бараваригача (6 миллион сўмгача) миқдорда ҳоким ёрдамчилари тавсиясига асосан берилади. Бу ҳам ўзини ўзи банд қилганлар салмоғининг ошишига хизмат қилади, албатта.

Яна бир янгилик — 2023 йил 1 январдан ЯТТга мураккаб бўлмаган умумий қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишларини, шу жумладан, юридик шахслар учун ҳам бажаришга рухсат этилади. Бунда ЯТТ 5 нафаргача ходимни ёллаши мумкин. Шунингдек, камида 3 нафар ходимни ёллаган ЯТТга унинг ўзи ва ҳар битта ходим учун Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнат куроллари ва асбоб-ускуналарни сотиб олишга субсидия (БҲМнинг 15 бараваригача - 4,5 миллион сўмгача) ажратилади. Агар бугун мамлакатимиз катта қурилиш майдонига айланганини ҳисобга олсак, мазкур тартиб юртимиздаги минглаб норасмий қурувчи-усталар учун яхшигина енгилликлар яратади.

Қарорға кўра, ҳоким ёрдамчилари маҳаллаларда умумий қурилиш ишлари билан норасмий шуғулланаётганлар, шунингдек, хорижий давлатларда қурилиш соҳасида ишлаб, юртимизга қайтган фуқароларга ЯТТ ёки ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган субсидияларни олишда кўмаклашади. Қолаверса, ЯТТ ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида бажариладиган умумий қурилиш ишларига кенг жалб қилинади.

Ҳужжат билан “Ёшлар дафтари” платформасида “Битирувчилар бандлиги” функционали жорий қилинади ва бу орқали умумий ўрта, профессионал ҳамда олий таълим муассасалари битирувчиларининг 3 йил давомидаги бандлик ҳолати мониторинг қилинади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур ҳужжат, биринчи навбатда — халқчил, хизматидан кўпчилик фойдаланадиган, бироқ, кези келса, ҳаққини ололмайдиган ёлланма ишчилар учун қонун ҳимоясида бўлиш, меҳнатига яраша даромад олишига шароит яратади. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ҳужжат натижасида ҳар йили 500 минг нафар

норасмий банд бўлган шахсларнинг фаолияти қонунийлаштирилади. 2023 йил якунига қадар ишга муҳтож шахсларнинг камида 40 фоизи аҳоли бандлигига кўмаклашиш дастурлари билан қамраб олинади.

Шунингдек, ўзини ўзи банд қилганлар сони амалдаги 2 миллион нафардан 2,4 миллион нафаргача ёки 20 фоизга ошади. Норасмий бандлик секторининг меҳнат балансидаги улуши ҳозирги 41,3 фоиздан 2023 йилда — 39 фоизгача, 2024 йилда — 35 фоизгача, 2025 йилда — 33 фоизгача, 2026 йилда — 30 фоизгача қисқаради. Ва бу, ўз навбатида, мазкур ҳужжатнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий аҳамияти юқори эканидан далолат беради.

Иқтисодиётнинг давлат ва хусусий секторида илгари кўриб чиқилган бандлик турлари билан бир қаторда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида иқтисодиётнинг норасмий секторидаги фаолият янги ҳодиса ҳисобланади. Халқаро Меҳнат Ташкилоти иқтисодиётнинг норасмий секторига катта капиталга эга бўлмаган, меҳнат унумдорлиги бирмунча паст, юқори даромад келтирмайдиган, товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи кичик муассасаларни киритади. Бу муассасаларда яратилаётган иш ўринлари барқарор эмас. Одатда, бу муассасалар статистикада ҳисобга олинмайди, ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланмайди, уларга нисбатан меҳнат қонунчилиги, ижтимоий ҳимоя тизими ва бошқалар жорий этилмайди. Иқтисодиётда норасмий секторнинг пайдо бўлиши айниқса ривожланаётган мамлакатлар учун хосдир. Халқаро экспертларнинг баҳолашича, шаҳарларда банд бўлганларнинг 30%дан 50%гачаси мазкур секторда фаолият олиб боришади. Ўтиш даври шароитида аҳолининг сезиларли қисми мана шу секторда фаолият олиб боради ва айримларининг фаолияти ноқонуний фаолият бўлганлиги сабабли ҳукумат бу секторни қонуний тартибга солмоғи даркор.

Шундай қилиб, меҳнат бозорини тартибга солиш сиёсати иқтисодий сиёсатнинг ажралмас қисми бўлиб, у қуйидаги мақсадлар учун хизмат қилади:

- иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни рағбатлантириш ва бўшаган ишчи кучини қайта тақсимлаш жараёнини тезлаштириш;

- ишсизларни иложи борида тезроқ ишга жалб этиш;

- иш излаётган ҳар бир ишчини иш билан таъминлаш. Шунинг учун аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида олиб борилаётган сиёсатни қуйидаги йўналишлар бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- инсон ресурсларини янада фаолроқ ривожлантириш;

- фуқароларнинг янги иш жойлари ва ўз-ўзини иш билан таъминлаш борасидаги тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш излашда қийналаётган фуқароларни иш билан таъминлашга кўмаклашувчи махсус тадбирлар ўтказиш;

- янги иш ўринлари яратаётган ва мавжудларини сақлаб қолаётган (энг аввало, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва иш излашда қийналаётган фуқаролар учун) иш берувчиларни рағбатлантириш;

- аҳолини иш билан таъминлаш соҳасида олиб борилаётган фаолиятни ижтимоий иқтисодий сиёсатнинг бошқа йўналишларида олиб борилаётган фаолият билан

(шунингдек, бу фаолиятни маҳаллий, худудий ва республика миқёсида) мувофиқлаштириш;

- ишчи кучига бўлган талаб ва таклифнинг ҳам таркибий, ҳам касбий жиҳатдан баланслашувига доир чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- қишлоқ жойларда ишчи кучи ҳаракатланиши ва малакасини оширишни рағбатлантириш, шунингдек, уй-жой бозорининг шаклланишини тезлаштириш;

- янги иш ўринларини яратиш сураётларини аҳоли ўсиш суръатларига яқинлаштириш;

- аҳолини иш билан таъминлаш ва ишчи кучи миграцияси муаммоларини ечишда халқаро ҳамкорликни (кўпроқ МДХ мамлакатлари билан) ривожлантириш, меҳнат мигрантларини ҳар томонлама ҳимоялашни йўлга қўйиш.

Фикримизча, мамлакатимизда норасмий секторда бандларни расмий секторга ўтказиш йўналишидаги ислохотлар хорижий давлатлар сингари аниқ усуллар асосида ишлаб чиқилиши керак. Бунинг учун қуйидаги тадбирларни эътиборга олиш зарур деб ўйлаймиз:

- давлат томонидан иқтисодиётга киритилаётган инвестицияларни рағбатлантириш, бу эса янги иш жойларини яратишнинг асосий шарти ҳисобланади;

- янги иш жойлари ташкил этилганда тадбиркорларга ва кичик бизнес корхоналарига солиқ имтиёзлари бериш;

- ўз-ўзини ижтимоий зарур меҳнат билан банд қилишни рағбатлантириш;

- кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликда инвестицион фаолликни рағбатлантириш асосида шарт-шароитлар яратиш, бу кўплаб мамлакатларда аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим услуби сифатида ўрганилмоқда;

- таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ ишсиз қолган ёки ишидан ажралиб қолиш хавф солаётган шахсларнинг иш излашларини фаоллаштириш мақсадида касбга ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларга ахборот-консалтинг хизматларини кўрсатиш;

- меҳнат бозорида воситачилик қилаётган меҳнат биржалари ва бандлик хизматларини ривожлантириш, фрикцион ишсизлик ва таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ ишсизликни пасайтириш мақсадида вакант иш жойлари тўғрисида маълумотлар йиғиш, таҳлил қилиш ва уларга тезкор муурожаатини таъминлаш (ахборот-маслаҳат марказлари) ;

- аҳолининг алоҳида гуруҳлари - ёшлар, ногиронлар, ишлаш қобилияти чегараланган инсонлар учун иш жойи шароитларини яратиш билан боғлиқ харажатларни қоплашлари учун иш берувчиларга компенсациялар ажратиш;

- компетентлик ва меҳнатга ижодий муносабат учун моддий рағбатлантирадиган ижтимоий-иқтисодий муҳитни яратиш;

- зарурат туғилганда оилаларга ишчи кучи зич бўлган худудлардан вакант жойлар бўлган худудларга кўчиб ўтишида субсидия ва кредитлар бериш йўли билан кўмаклашиш;

- бандлик муаммоларини ҳал қилишда халқаро ҳамкорлик, халқаро меҳнат миграцияси билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш;

- давлат секториди – таълим, тиббий хизматлар, коммунал хўжалиги, жамоатчилик бинolari ва иншоотларини қуриш соҳаларида ишчи ўринларини яратиш;

Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш шароитида аҳоли иш билан бандлигини оширишнинг ижтимоий-иқтисодий механизмлари бўйича хорижий амалиётлар тажрибасини илмий тадқиқ ва таҳлил этиш мазкур давлатлар тажрибасининг илғор, республикамиз учун қулай бўлган жиҳатларидан фойдаланган ҳолда, аҳоли иш билан бандлик даражасини оширишнинг самарали, истиқболли йўналишларини аниқлаш ва амалиётда қўллаш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Экономика И Менеджмент Удк 331 А.И. Колобова, А.М. Ларионцева Некоторые Теоретические Положения Трудовых Ресурсов И Трудового Потенциала
2. А.И.Колобова, А.М.Ларионцева Некоторые Теоретические Положения Трудовых Ресурсов И Трудового Потенциала. “Понятие «трудовые ресурсы» было впервые сформулировано в 1922 г. в одной из статей академика С.Г. Струмилина для характеристики национального богатства страны - трудового потенциала
3. Толаметова З.А. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. “Фан ва технология” 2017.
4. www.stat.uz
5. www.worldbank.org